Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 103 (5694).
6 МАЙ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига



«Узбексельмаш» коллективи Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан нишонлашга аҳд қилиб, меҳнат қилмоқдалар. З. Таҳиров, Г. Қосимов каби йигувчи-слесарлар смена-топшириқларини 120—130 процент адо этиб, ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.
СУРАТДА: йигувчи З. Таҳиров, Г. Қосимов ва смена мастери В. Кабачков.
М. Нуриддинов фотоси.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

«Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ёшларни янгича анъаналар руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Айтиқса, бирлашма партия ташкилоти меҳнат анъаналарини ривожлантиришга эътиборни қаратяпти.

Масалан, бу ерда ишчилар сафига қабул қилиш, ишчи бригадалари байрамини ўтказиш, мураббийлар слётини уюштириш каби тадбирлар кўпчиликка маъқул тушмоқда. Касб кунлари тантанали ўтказиляпти. Чунончи, «Ўзкасбининг устаси» конкурсларини якунлаш тантанасини олийлик. Унда ғолиб чиққан пешқадамларга бепул туристик йўлланмалар, қимматбаҳо совғалар берилмоқда. Меҳнат анъаналарини ривожлантиришга бундай эътиборни Сергели районининг бошқа бир қатор корхоналарида ҳам кўриш мумкин. Партия ташкилотлари коммунистик шанбаликка тайёргарлик бўйича тадбирлардан ҳам ёшларни янгича меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда фойдаланмоқдалар.

Ветеранлар билан ёнма-ён

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективида Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабага Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссасига бағишланиб ижтимоий-сиёсий мавзуда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. «Билим» жамиятининг лекторлари билан бир қаторда уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам корхона цехларида самолётсозларга қирқ йил муқаддам фронтда ва мамлакат ичкарисида юртдошлар кўрсатган мисли сиз жасорат тўғрисида гапириб бердилар.

Собиқ фронтчи, ҳозирги вақтда бирлашманинг илғор станокчиси М. Савельев механика цехида ишчилар билан учрашди. Заводнинг ёш ишчилари ветераннинг шонли жанговар йўли босиб ўтганини билдирдилар. У жанглардаги мардлиги учун Қизил Байроқ ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланган. Тинчлик даврида Михаил Михайловичнинг жанговар мукофотларига бир қанча бошқа орден ва медаллар қўшилди. М. Савельевнинг зарбдор, ижодий меҳнати ана шу мукофотлар билан тақдирланган.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, икки марта Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Б. Кисилёв қўшни цех ходимлари билан суҳбат ўтказди. У Қрим, Белоруссияни озод қилиш учун олиб борилган жанглар, Кенигсберг штурми ҳақида гапириб берди. Борис Фёдорович мамлакат ичкарисидан олинган хушхабарлар жангчиларни қандай курсанд қилганлигини эслади.

Уруш ветеранлари ўз бурчини бажаришда бугунги кунда ҳам намуна бўлмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш топшириқларини муntазам равишда ошириб адо этмоқдалар, орттирган тажрибасини саҳийлик билан ёшларга ўргатмоқдалар, жамоат ишида фаол қатнашмоқдалар. Ёш авлод намояндалари улар билан ёнма-ён туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

С. Норкин бошчилик қилаётган токарлар бригадаси Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада ой сайин юксак кўрсаткичларга эришмоқда. Бу коллектив Совет Иттифоқи Қаҳрамони З. Космодемьянскаяни ўз составига қўшди. Токарлик автоматларини созловчи В. Добраков бошлиқ бригада ўз сафига Ульяна Громовани, А. Шайхулин бошчилигидаги токарь-револьверчилар коллективи эса ўз составига Александр Матросовни ёзиб қўйишди.

Ватанни ҳимоя қилишда ҳалок бўлганларни ўз составига ёзган бригадалар «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтаётган меҳнат вахтаси кунларида қаҳрамонларга бағишланган ёдгорлик бурчакларини жиҳозладилар. Самолётсозлар ишлаб топган маблағларининг бир қисмини совет Тинчлик фондига ўтказмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ҚАЛАМНИ НАЙЗАГА ТЕНГЛАШТИРИБ...

Ўзбекистон ижодий союзлари ва ташкилотлари правленияларининг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшма пленуми 4 май куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Ёзувчилар, кинематографчилар, рассомлар, композиторлар, артистлар, архитекторлар, журналистлар тўпланган Кино уйи «Ғалаба» ордени тасвири, Ватан уруши давридаги плакатлар билан безатилган. Фронт қўшиқларининг унутилмас куйлари янграйди.

Фашизмни тор-мор келтириб, Европа мамлакатларини гитлерчилар қуллигидан озод этган, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолган совет халқининг жасорати асрлар оша яшайверади. Бундан 40 йил муқаддам жуда катта қурбонлар эвазига қўлга киритилган Ғалаба — бу бизнинг тарихимизгина эмас. Бу — бизнинг эртанги куниимиз. Бу — истиқболимиздир.

Йиллар, ўн йилликлар ўтади, ижодий ходимларнинг янги авлодлари ҳаётга қадам қўяди, лекин ана шу Ғалабани қўлга киритганларнинг солдатлик ва меҳнат жасорати мардлиги мавзуси битмас-туганмасдир. Ватанпарварлик, Ватанга садоқат, Коммунистик партияга садоқат мавзуи абадий мавзудир.

Уруш йилларида адабиёт ва санъат арбоблари солдатлар сафида бўлдилар. Бугун эса Ғалаба байрами арафасида илк миннатдорчилик сўзларимизни уруш ва меҳнат ветеранларига айтамиз. Улар орасида сапер ва рассом Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиҳ Абдуллаев, узоқ масофага учадиган авиация учувчиси ва ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Тихомолов, сапер ва архитектор Абдулла Бобохонов, Словакияда партизанлар отрядининг жангчиси, архитектор, Чехословакиянинг «Жанговар крест» ордени кавалери Владимир Филимонов, оддий солдат ва композитор Шариф Рамазонов ва бошқалар бор. СССР халқ артисти Малик Қаюмов урушнинг оғир йўлларида кинокамера ва автомат билан одимлади. У яратган фильмлар Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун эҳтиросли даъватга айланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ёзувчи ва шоирлар Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Зулфия, композиторлар Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Сергей Васильенко, Алексей Козловский, Толибжон Содиқов, рассомлар Ўрол Тансиқбоев, Виктор Уфимцев, Владимир Кайдалов ва бошқа кўплаб адабиёт ва санъат усталари яратган асарлар ҳозир ҳам кишини ҳаяжонга солади. Ўзбекистон артистларининг 30 дан ортиқ бригадаси ҳарбий қисмларга бориб, қизил аскарлар ва денгизчилар учун юзлаб концертлар кўрсатдилар.

Уруш йилларида Ўзбекистонда бошпана топган рус адабиёт ва санъат арбоблари совет халқи жасорати солномасига кўплаб ёрқин саҳифалар қўшдилар.

Республика ижодий союзлари ва ташкилотлари правленияларининг қўшма пленумидаги нутқлар, жўшқин шеърлар, қўшиқлар, ветеранларнинг хотиралари ана шу солноманинг янги саҳифалари бўлиб қолди.

Ер юзида тинчлик бўлсин! Ўзбекистон ижодкор зиёлилари Советлар мамлакати кўп миллатли маданиятининг барча арбоблари каби Ленин партиясининг улуғ идеалларини қарор топтиришни, партия ўтказиб келаётган тинчлик ва бунёдкорлик йўлини қатъий қўллаб-қувватлашни ўз бурчи, деб ҳисоблаётганликлари пленумдаги нутқларда ўзининг яққол ифодасини топди.

Маданият арбоблари КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаб, партия XXVII съездини совет кишисига—коммунизм бунёдкорига муносиб янги илҳомбахш асарлар яратиш билан кутиб олишга қатъий аҳд қилганлар.

Республика ижодий союзлари ва ташкилотлари правленияларининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Г. Духанин, Ғ. З. Заҳириддинов, С. У. Султонова, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ПЕШҚАДАМЛАРИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш комиссияси тузган тадбирлар орасида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида биринчи галда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани ҳар томондлама кенг тус олдиришга эътибор қаратиляпти. Мусобақа натижалари вақти-вақти билан муҳокама этиб борилмоқда.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига мусобақада биринчи ва учинчи цехларнинг коллективлари олдинда боришяпти. Бирлашма партия комитети пешқадамлар тажрибасини ўрганиб, умумлаштириб, уларни кенг ёйишга муҳим эътиборни қаратяпти.

Коммунист У. Муҳаммадхўжаев бригадаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жалил Розиқов ва бошқа беш йиллик пешқадамлари ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлашяпти. Улардан комсомол-ёшлар ва бутун коллектив намуна олишга интилмоқда.

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

4 май куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Матбуот кунига бағишланган байрам бўлди. Байрамда республика оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, Тошкент ва пойтахт области жамоатчилигининг намояндалари иштирок этдилар. «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов доклад қилди. Сўзга чиққан нотиқлар республика матбуот ходимлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари КПСС XXVII съездига тайёргарлик ишига, партия Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини рўёбга чиқаришга катта ҳисса қўшаётганликларини уқтирдилар.

Байрам қатнашчилари ветеран журналистлар билан учрашдилар, редакция коллективларининг фаолиятини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарликда уларнинг иштирокини акс эттирувчи чиройли қилиб безатилган стендлар билан, китоб ва плакатлар кўргазмаси билан танишдилар. Санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар, ҳужжатли ва қисқа метражли кинофильмлар намойиш қилинди, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг томошалари, спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).





ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Тошкентда Матбуот кунининг байрам қилиниши

● ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА БАЙРАМ.

● БАРЧАНИНГ БИР ОЛАМ ҚУВОНЧИ.

● УНУТИЛМАС БУЮК ЖАСОРАТ.
● ДЎСТ ВА МАСЛАҲАТЧИ.





● СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Матбуот кунининг байрам қилиниши.
Т. Каримов фотолари.

Республика Бош виставкаси байрам либосида безатилган. Байроқлар, шорлар, транспарантлар... Журналистлар, радио ва телевидение ходимлари, матбаачилар ва нашриётчиларнинг касб байрами тантанали ва одатдан ташқари чиройли бошланди. Улар бугун ўз онлалари, ҳамкасблари, матбуотнинг нишончли ёрдамчилари — ишчи ва деҳқон мухбирлари билан фахрли меҳмондирлар.

Республикамизда 17 республика, 28 область, 9 шаҳар, 157 район, 77 кўп нусхали газеталар, 83 номда журнал ва журнал типидаги нашрлар ҳар куни ўқувчилар қўлига борибди етмоқда. Ана шу нашрларнинг вакиллари, матбуот ходимлари маҳорат ҳақида фикрлашмоқдалар.

Байрам қатнашчилари бу ерда ўз касб маҳоратлари ҳақида, яхши урф-одатлар, янгича маросим ва анъаналар ҳаётимизга синиб бораётганлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб бердилар. Бундай байрамларимиз янгича маз.мун касб этаётганлиги ҳақида суҳбатлашдилар. Бундан буён барча касб байрамларини Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида нишонлашга қарор қилинди ва бу айни чоғда рамзийдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида бундай деди: «Совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва соцнал активлигини ошириш, интизомни мус.таҳкамлаш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбия— бутун идеология фаолиятининг мувафақиятидир».

Касб байрамларини кенг оммалаштириш КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумлари руҳи ва талабларига тўла-тўкис жавоб беради ва ёшларни энг яхши анъаналар руҳида тарбиялашда қўл келади. Энг муҳими, байрамларни оммавий равишда ташкил этиш, бундай байрам эгаларининг ўзлари алоҳида тараддуд кўришлари, ортиқча дабдабага йўл қўймаслик лозим. Бу ерда бўлган тадбирларнинг барчаси —матбуот вакилларининг фикри ва меҳнати самарасидир.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретариати СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп нусхали **«Тракторостроитель» газетаси**га оммавий ишларни энг яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номли мукофот берди.

СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариати 1984 йилда социалистик мусобақани энг яхши ёритганлиги учун ўтказилган Бутуниттифоқ конкурси якунларига кўра **«Наманганская правда»** область газетаси коллективини пул мукофоти ва СССР Журналистлар союзининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариати «Оталар жасорати —фарзандларга мерос» ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини энг яхши ёритганлиги учун Бутуниттифоқ конкурсини таъсис этди. Конкурс якунларига кўра **«Наманган ҳақиқати»** область газетаси редакцияси коллективи иккинчи мукофотга сазовор бўлди ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси, ДОСААФ Марказий Комитети ва СССР Журналистлар союзининг ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретариати 1984 йилда ўтказилган республика ижодий конкурсларига якун чиқарди.

Энг яхши журналистика ишлари конкурси юзасидан қуйидагиларга пул мукофотлари берилиб, Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофоти лауреати нишони ва дипломи топширилади:

Алябьева Ирина Михайловна, «Экономика и жизнь» журнали редакциясининг бўлим редактори — журналда босилган «Экономиканинг қизғин нуқталари» ва «Тўхтаб, орқанга бир қара» мақолалари учун;

Вильчек Борис Владимирович ва **Ефимов** Юрий Павлович, «Ферганская правда» газетаси редакцияси бўлимларининг мудирлари — шу газетада эълон қилинган интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзуидаги мақолалар, репортажлар, корреспонденциялар учун;

Зоҳидов Фозил, «Совет Ўзбекистони» газетасининг Хоразм области бўйича мухбири — шу газетада партия турмуши ва коммунистик тарбиянинг актуал мавзуларида эълон қилинган мақолалар ва корреспонденциялар учун;

Қаюмов Мирғиёс ва **Ковалев** Анатолий Иванович, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталари редакцияси бўлимларининг мудирлари — «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмалари — дастуриламалимиз» рубрикаси остида эълон қилинган «Лойқайд томошабин бўлманг, одамлар!», «Лавозим ва бурч», «Қонунчиликни ҳамма жойда мустаҳкамлайлик» туркум мақолалар ва бошқа материаллар учун;

Мамасолиев Тўйчибой, Андижон область Бўз районидаги «Бўз ҳақиқати» газетаси редакциясининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири — шу газетада «Минглар шартномаси» шартларини бажаришга бағишланган «Минглардан миллионларга» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолалар туркуми учун.

Нейбург Владимир Ефимович — «Правда Востока» газетасининг Сурхондарё области бўйича мухбири — «Правда Востока» газетасида эълон қилинган «Коллектив пудратга кенг йўл!» очерки учун.

«Ёш ленинчи» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Жўраев** Собиржон; «Ташкентская правда» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Кружилина** Ольга Федоровна; Навоий область «Дўстлик байроғи» газетасининг редактори **Сатторов** Умид; республика радиоси пропаганда бош редакциясининг бош редактори **Тожибоев** Назирбой; «Экономика и жизнь» журналининг адабий ходими **Шолохов** Виктор Викторович; республика радиоси адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясининг катта редактори **Усмонов** Эркин Мирсоатович — актуал мавзулардаги материаллари учун Ўзбекистон Журналистлар союзининг дипломлари билан мукофотландилар.

«Пахтакорнинг олтин қўллари» шиори остида ўтказилган конкурс юзасидан «Ленин байрағъы» республика газетаси, Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» программаси коллективлари; «Ленин йўли» (Самарқанд), «Наманганская правда», «Хоразм ҳақиқати» область газеталари редакцияларининг коллективлари; «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» шаҳар газеталари редакцияси; Ленин районидаги «Ленин йўли» (Андижон области), Тошлоқ районидаги «Тошлоқ тонги» (Фарғона области), Чортоқ районидаги «Чортоқ ҳақиқати» (Наманган области) район газеталари редакцияларининг коллективларига Ўзбекистон Журналистлар союзининг пул мукофотлари ва дипломлари берилди.

«Наманган ҳақиқати» область газетаси, Москва район «Янги ҳаёт» газетаси (Андижон области) редакцияларининг коллективлари дала меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини ёритишда актив иштирок этганликлари учун дипломлар билан мукофотландилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини энг яхши ёритганлиги учун конкурс якунига кўра «Комсомолец Узбекистана» газетаси редакцияси коллективига биринчи мукофот ва I даражали диплом; «Правда Востока», «Андижанская правда» газеталари редакциялари коллективларига иккинчи мукофотлар ва II даражали дипломлар; Бухоро район «Ленин байроғи» газетаси редакцияси, Оҳунбобоев район «Ленин йўли» газетаси редакцияси (Фарғона области), Косонсой район «Ленинчи» газетаси редакцияси (Наманган области) коллективларига учинчи мукофотлар ва III даражали дипломлар берилди.

Район, шаҳар ва кўп тиражли газеталарнинг редакцияларида оммавий ишларни яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номидаги конкурс юзасидан Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетаси редакцияси (Тошкент области) коллективига биринчи мукофот ва I даражали диплом; «Социалистический Чирчиқ» шаҳар газетаси (Тошкент области) ва Самарқанд район «Шарқ тонги» газетаси редакциялари коллективларига иккинчи мукофот ва II даражали дипломлар; Боғот район «Ленин йўли» газетаси редакцияси (Хоразм области), Ворошилов район «Янги ҳаёт» газетаси редакцияси (Сирдарё области) коллективларига учинчи мукофот ва III даражали дипломлар берилди.

Конкурсда актив иштирок этганликлари учун Ғалаба район «Ленин йўли» ва Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» газеталари редакциялари (Тошкент области) коллективлари дипломлар билан мукофотланди.

Матбуот кунига бағишланган байрам авжга чиқмоқда. Учрашувлар, қизғин суҳбатлар давом этмоқда. Йиғилганлар кўпроқ ўзларини қизиқтираётган муҳим масалалар ҳақида фикрлашмоқдалар. Журналистлар ўз касби ҳақида баҳслашмаса кўнгли тинчимайди. Байрам қанлай ўтаётганлиги ҳақида ҳамкасблардан интервью олиш бир қадар қизиқ туюлади.

Мухбир. Сизнинг байрам тўғрисидаги фикрингиз қандай, у аввалги байрамлардан қай жиҳатлари билан ажралиб турибди?


— Ўзингиз кўриб турганингиздек, жуда ҳам аъло,— дейишди бир қатор редакцияларнинг ходимлари. Мана шундай учрашувлар жуда ҳам кераклигини албатта ёзнинг, чунки бизлар ўзимизнинг касбимизга бўлган муҳаббатимиз ва меҳнатсеварлигимиз и м авлоддан-авлодга етказишимиз лозим.

Биз дам олаётганларнинг яна бир даврасига яқинлашдик. Улар барча янгиликларни, қувончли хабарларни бахам кўришяпти, бир-бирларидан кўп нарсани ўрганишмоқда. Бу ҳам яхши анъанадир. Чунки мана шундай шиқин даврада суҳбат қизийди ва яхши фикрлар ўз-ўзидан туғилади.

Бугун барчанинг қувончи бир олам. Байрам эгалари бир-бирини жуда ҳам яхши билишади, шунинг учун ҳам суҳбат тез ва ўз-ўзидан бошланиб кетади.

Энди эса ўтмишга назар ташлайлик. Тошкентдаги нашриётлар уруш йилларида кеча-ю-кундуз тинимни билмай китоб босиб чиқарар эди. Ўша йилларгаги қар бир китобни нашр этиш жасорат билан тенг эди.

(Давоми 4-бетда).



«Главташкентстрой»га қарашли «Промстройкомплект» бирлашмасининг 1-ёғочни қайта ишлаш заводи коллективи ўтган йил якунларига кўра республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, партия ва ҳукуматимизнинг Кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди. Юксак мукофотдан руҳланган завод коллективи айни кунларда фидокорона меҳнат қилиб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин кучайтиришмоқда.

СУРАТДА: заводнинг бир группа илғор ишчилари.

У. Усмонов фотоси.

Пойтахтнинг уй-жой қурилишларида

«Оқтепа» массиви чирой очмоқда

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентнинг эски даҳалари ўрнида янги турар жой массивлари қад кўтармоқда. Ҳар томонлама қулай ва замонавий бўлган янги сермаҳобат уй-жойлар ҳамшаҳарларимизга манзур бўлмоқда. Улар жонидили билан янги уйларга кўчиб ўтишмоқда ва уй тўйлари ўтказмоқдалар. Пойтахтнинг Оқтепа майдони яқинида яна бир янги массив — «Оқтепа» турар жой массиви бунёд этишга киришилганига ҳали анча бўлгани йўқ. Лекин бу ерда жуда кўплаб янги гўрт ва беш қаватли уйлар қад кўтарди. Уларга юзлаб ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтмоқдалар.

Янги массивда биринчи тўққиз қаватли 76 квартирали уй ҳам қад кўтармоқда. Ўтган йилнинг сентябрь ойида янги уйнинг пойдевори учун ҳандақ қазиш ишлари бошлаб юборилган эди. Бу қурилиш майдонига биринчи бўлиб 4-уйсозлик комбинатининг 1-қурилиш конвейерлари бошқармасига қарашли Николай Зубаков бошлиқ комплекслашган бригада келган эди. Ўша пайтда бригада эндигина ташкил топган эди. Бироқ, бригаданинг асосий таркибини тажрибали қурувчилар ташкил этарди. И. Ғуломов, А. Котов, П. Қобилов каби ўз касбининг усталари бригаданинг қолган аъзоларига ҳар бир ишда намуна бўлишга арзир эдилар. Уларнинг ҳар бири Тошкент қурилишларида обдон чиниққан, қурувчилик касбининг бутун сир-асрорларини пухта эгалларан кишилардир. Бригадирнинг ўзи — Николай Зубаков ҳам бунёдкорлик борасида катта тажрибага эга бўлган кадрлардан эди. Ҳамкасблари ўртасида меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан обрў-эътибор қозонган бу қурувчига коллектив катта ишонч билдирди. Уни ўзларига етакчи қилиб сайлашди. Бу фикримизни участка бошлиғи И. Скребнов ҳам тўлдирди.

— Николай Зубаков ўз вазифасини муваффақиятли уддалаяпти, — деди у. — Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва ташкилотчилиги билан бригадада ўртоқларига намуна бўляпти. У қурилиш технологиясидаги янгиликларни тез илғаб олади, фан ва техника ютуқларини, кичик механизацияни жорий этишга киришади. Ҳар бир минутнинг қадрига етади...

Маълумки, ҳозирги замон капитал қурилишида бригада пудрати методи ўзини тўла оқламоқда. Бу янги усул қаерда жорий этилар экан, у ерда юксак натижаларга эришилмоқда. Н. Зубаков бригадаси ҳам бу янги методга бефарқ қараб тура олмади. Бригада ўзининг дастлабки кунидан бошлаб мазкур усул асосида ишлашга пудрат шартномаси тузди. Коллектив уйнинг пойдеворини, бино сиҳчини ва томини монтаж қилиш ва ёпиш бўйича бажарадиган ишларни ўн икки ой мобайнида бажаришга аҳд қилди. Бу вақт мобайнида 800 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши керак.

— Бригада пудрати, — дейди бригадир Н. Зубаков, — аллақачон ўзининг самарадорлигини ва илғор иш усули эканлигини тўла-тўкис исботлади. Буни бригадамизнинг аъзолари ўз иш тажрибасида яхши билишади. Шунинг учун ҳам пудрат шартномаси тузаётганимизда бунга ҳеч ким қарши чиқмади, ҳеч ким эътироз билдирмади. Биз 20 нафар қурувчи қурилиш майдонининг тўлақонли «хўжайин»лари десак бўлади. Чунки уйни пардозловчилар қўлига топширгунимизча объектда тўла масъулиятга эга бўламиз. Яна шуни айтиш керакки, биз қанчалик тез яхши ишласак, ундан манфаатдорлигимиз ҳам шунча яхши бўлади.

Юксак унум билан ишлаш — бу бригаданинг ҳар бир аъзоси учун қонун, демакдир. Бошқача айтганда, пудратчи коллективда «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» принципи қарор топади. Бу ерда дангасалик қилишга, кўзбўямачиликка катта ғов қўйилади. Бунга ҳеч ким йўл қўймайди. Чунки бундай коллективда бир кишининг оқсаётганлиги умумколлектив манфаатига, моддий қизиқишига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шу сабабли ҳамма бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилади. Бу Н. Зубаков бригадасида темир қонунга айланган. Шунинг учун ҳам коллектив ҳеч қандай узилишларсиз, бир маромда, юксак унум билан меҳнат қилишга эришмоқда.

Ҳозир бригада тўнғич тўққиз қаватли уйнинг биринчи секциясида олтинчи қаватда ишламоқда. Иккинчи секцияда эса учинчи қаватда монтаж ишлари ниҳоясига етказиляпти.

— Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, — дейди участка бошлиғи И. Скребнёв, — бригада қурилиш майдонида белгиланган ишларни норматив муддатда белгиланганидан бир ой илгари поёнига етказиши керак. Агар материаллар таъминотида узилиш бўлмаса, бригада ана шундай кўтаринки руҳ билан меҳнат қилса, албатта коллектив ўзининг биринчи катта муваффақиятига эришади.

Ҳа, партия ва ҳукуматимизнинг сўнгги қарорларини ҳаётга оғишмай тадбиқ этиш учун курашаётган бу кичик қурувчилар коллективи ҳамшаҳарларимиз учун замонавий уйлар қуриб беришга, уларни сифатли қуриб, «яхши» ва «аъло» баҳоларда ўз эгаларига тақдим этишга ҳаракат қилмоқдалар. Янги «Оқтепа» массиви кун сайин чиройи очиб боряпти. Бу ерда ҳамшаҳарларимиз учун барча қулайликларни яратиш кўзда тутилган. Мактаб, болалар боғчалари, савдо шахобчалари ва бошқа қулайликлар уларнинг ихтиёрида бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, пойтахтнинг бўлажак «Оқтепа» массиви шаҳримизнинг энг гўзал турар жой чорраҳаларидан бири бўлиб қолади.

Ю. КОВАЧ.

ТАШАББУС, УЮШҚОҚЛИК, САМАРАДОРЛИК

ПОЕЗД МАРКАСИ ШАРАФИ УЧУН

Тошкент перронидан йўлга чиққан поездга «Зарафшон» деб ном қўйилди. Вагон столчаларига тоза дастурхонлар ёзилган, дераза-ларига пардалар тутилган, тартиб ва шинамлик қуқм суради. Проводниклар пассажирларга парвона, чой ичаман десангиз марҳамат, қанд-қурслар ҳам бемалол. Айни шундай 661-пассажир поезди Тошкент—Бухоро маршрутида қатнай бошлади. Бунга ўхшаш яна бир состав Тошкент — Китоб линиясида ҳам ишга туширилди. Бу поездга «Қашқадарё» деб ном қўйилди. Янгилик ташкилотчиларининг фикрича, ном қўйилган поездлар пассажирларга хизмат қилишда проводникларининг масъулиятини оширади, уларнинг иш сифатини кўтариш керак.

Режа ўзини оқлади. Бироқ социалистик мусобақада юксак натижаларни қўлга киритаётган кишилар шу поездларда хизмат қилаётганликларини унутмаслиги керак. Бу ерда «Зарафшон» поездининг проводниклари ҳам ўзларининг ишларини ҳар куни мукофотлаб боришади. Ҳозир поезд Тошкент—Бухоро йўналишида ҳафтада 4 марта қатнаса, ёзда ҳафтада 6 марта қатнайди. Ёзда поезд Тошкент—Бухоро—Тошкент йўналишида ҳафтада 2 марта қатнайди.

Ҳозирги кунда поезд Тошкент—Бухоро маршрутида қатнаётган пассажирлар ҳам поезд проводникларининг ишларини юқори баҳолашмоқда. Поезд проводниклари ҳам ўзларининг ишларини ҳар куни мукофотлаб боришади. Ҳозир поезд Тошкент—Бухоро маршрутида қатнаётган пассажирлар ҳам поезд проводникларининг ишларини юқори баҳолашмоқда. Поезд проводниклари ҳам ўзларининг ишларини ҳар куни мукофотлаб боришади.

Ҳозир поезд Тошкент—Бухоро маршрутида қатнаётган пассажирлар ҳам поезд проводникларининг ишларини юқори баҳолашмоқда. Поезд проводниклари ҳам ўзларининг ишларини ҳар куни мукофотлаб боришади.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

Слесарлар ҳиммати

КПСС XXVII съездн ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигн олдидан бошланган социалистик мусобақа қизғин тус оляпти. I-троллейбус депосининг ишчан слесарлари бу қутлуғ саналарни меҳнатда юксак унумдорликка эришиш билан кутиб олмоқдалар.

Троллейбус техникасини пухта билган слесарларнинг шарафли меҳнати туфайли ҳар куни 88 та троллейбус депо дарвозасидан чиқиб, аҳоли манзилини яқин қилмоқда. Ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш цехининг ташаббускор слесарлари Шавкат Умаров, Шавкат Одилов, Тўлқин Азизов, Николай Зеленскийлар бир сменада 15 та ўрнига 20 та троллейбусни техника кўригидан ўтказишга эришмоқдалар. Улар назоратидан ўтган машиналар кўрсатилган техник муддатидан ортиқ хизмат қилмоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

«Фахрий темирйўлчи» ташаббуси билан

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти биносига кираверишда катта монумент кўзга яққол ташланиб туради. Олий ўқув юртидан Улуғ Ватан урушига йўл олган ва жангларда мардларча ҳалок бўлган ўқитувчи ва студентлар хотирасига ўрнатилган бу ёдгорлик Буюк Ғалабанинг ўттиз йиллиги арафасида қад кўтарган эди.

Архитектор О. Рушковский эскизлари асосида тикланган мазкур монументни ўрнатишда институтнинг чизмачилик геометрияси инженерлик графикаси кафедрасининг ўқитувчиси Василий Иванов бош-қош бўлган эди. «Фахрий темирйўлчи» деган шарафли ном эгаси В. Иванов график рассом сифатида яқинда яна бир ҳайрли ишни ниҳоясига етказди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан олий ўқув юрти музейида «Улар Ватан учун жанг қилдилар» деган алоҳида зал очилди. Уни безаш ишлари шу ўқитувчи томонидан бажарилди.

А. АЛИЕВ.

Янги қабул пункти

Тошкент шаҳар «Вторсирье» ишлаб чиқариш тайёрлов корхонаси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида мақулатуралар ва иккиламчи хом ашёларни қабул қиладиган пунктларини кўпайтирмоқда.

Куни кеча Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг Ҳамза районидаги микрорайонида — М. Ашрафий кўчаси, 95-уйда янги қабул пункти ишга тушди. Янги 73-қабул пунктида китобсеварларга тарқатиш учун Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Г. Уэлленинг «Сеҳрли дўкон», Э. Войничнинг «Сўна», Э. Золяниинг «Жерминаль», Ж. Лондоннинг «Мартин Иден» китобларига абонементлар мавжуд.

Шанба ва якшанба кунлари эса Жюль Верининг «Капитан Грант болалари» китобига абонементлар берилади.

Шунингдек қабул пунктига иккиламчи хом ашёларни ҳам топшириш мумкин.

Т. ЮСУПОВ.

Хизмат қачон яхшиланади?

Биз истиқомат қилаётган Собир Раҳимов райониидаги Чуқурсой кўчасига 111-алоқа бўлими хизмат кўрсатади. Олдинлари обуначиларимизни ўз вақтида олар эдик. Энди «Социалистик индустрия», «Тошкент оқшоми» газеталарини ҳамиша бир кун кейин оламиз, «Фан ва турмуш» журналининг биринчи сонини эса ҳалигача олганимиз йўқ.

Баъзан газеталар умуман келтирилмай ҳам қолади. Сабабини сўрасак мужмал жавоб беришади. Шу ҳам обуначиларга хизмат кўрсатиш бўлдими!

Р. АБДУСАМАТОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Озодлик байрами

ХАНОЙ. Шимолдаги Куангнинь вилоятининг аҳолиси катта байрам — Франция мустамлакачиларидан озод бўлган кунининг 30 йиллигини меҳнатда муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Халқ ҳокимияти йилларида республиканинг асосий шаҳтёрлар ўлкаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. У Вьетнамнинг энг катта саноат зоналаридан бири бўлиб қолди. Бу ерда «Каошонг» кўмир разрези ва «Монгзнонг» шахтаси каби замонавий кончилик корхоналари, қайта ишлаш ва саралаш фабрикалари қад кўтарди. Куангнинда кўмир қазиб чиқариш кейинги ўн йил ичидагина 3,5 миллион тоннадан 5,3 миллион тонна кўпайди.

Совет Иттифоқи кўмир қазиб чиқариш саноатини ривожлантиришда қардош Вьетнамга катта ёрдам бермоқда. СССР Вьетнамга малакали шахтёр кадрлар, серунум кончилик техникаси юбормоқда. Бу ерда вьетнамлик кончиларнинг катта отряди меҳнат қилмоқда. Улар мамлакат ёш ишчилар синфининг илғор қисмини ташкил этади. Совет мутахассислари билан ёнма-ён туриб ишлаётган бу кончилар — илғор тажрибани ўрганиб, меҳнат малакаларини муттасил ошириб бормоқдалар, мураккаб кончилик машина-ускуналарини ремонт қилиш маҳоратини эгалламоқдалар.

СССРнинг самарали ёрдами — тармоқ тараққиётининг энг муҳим омилларидан биридир, дейди ВСР кончилик ва кўмир саноати министри Нгуен Тян. Бу ерда социалистик индустрлашнинг социализм моддий-техника базасини яратишнинг пухта негизи бунёд этилмоқда.

ОБЪЕКТИВДА — ИТАЛИЯ



Флоренция— Италиянинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бундан кўп асрлар муқаддам шаҳарда яратилган кўркам биноларнинг архитекторларининг фидокорона меҳнати намунасидир. Шаҳарда Уйғониш даврндан бери сақланиб қолган кўплаб биноларни учратиш мумкин.

СУРАТДА: шаҳардаги ўн учинчи асрда яратилган бино.

КОСМОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

СТОКГОЛЬМ. Швеция қироллик фанлари академиясида совет космик аппаратлари «Фобос»да планеталараро плазма ва марс плазмасини тадқиқ этиш борасида қўшма экспериментлар ўтказиш тўғрисидаги меморандумни имзолаш маросими бўлди.

Ҳужжатни СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси ҳузуридаги «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик В. А. Котельников билан Швеция космик тадқиқотлар комитетининг президенти Ян Шернстедт имзоладилар.

Ҳужжатда космик фазони ўзлаштириш тарихида илк бор Марс планетасининг йўлдоши «Фобос»ни бевосита тадқиқ этиш кўзда тутилган. Илмий алоқалар ўзаро манфаатли тусда эканлигини шундан билса бўладики, совет космик аппаратларига Швецияннинг шимолидаги Кирун шаҳрида жойлашган геофизик тадқиқотлар институтининг мутахассислари яратган швед аппарати ўрнатилади.

Совет ва Швеция мутахассислари ўртасида космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда янги бир босқич бошланди. Бунда Швеция олимлари қуёш системасидаги планеталарни илк бор тадқиқ этиш имкониятига эга бўладилар.

Космосни ўзлаштиришда Совет-Швеция ҳамкорлиги 1970 йиллар бошидан бери муваффақиятли ва самарали ривожланиб келмоқда, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Я. Шернстедт. Совет ер сунъий йўлдошларида Швеция аппаратларидан фойдаланилган эди. Космик кенгликларни тадқиқ этишда катта-катта натижаларга эришган Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни давом эттиришнинг биз учун шубҳасиз аҳамияти катта. Имзоланган меморандум қўшма илмий ишларга янги-янги истиқболлар очиб беради. Бу ишларнинг натижалари жаҳон космик фанига наф келтиради.

Космос бутун мамлакатлар ва халқларникидир. Шунинг учун ҳам у қуролланиш пойгаси ўтказиладиган жой эмас, балки бутун инсоният манфаатлари йўлида давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлик майдони бўлиб қолмоғи керак. Коинотни тадқиқ этишда Швеция олимлари билан совет олимлари ўртасидаги алоқалар мана шундай ўзаро манфаатли ҳамкорликка яққол мисолдир, деб таъкидлади Я. Шернстедт.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

***

ДЕҲЛИ. Жанубий Ҳиндистоннинг Керала штати маъмурий марказн — Тривандрамда Германия фашизми ва Япония милитаризми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда турли сиёсий партияларнинг раҳбарлари, Ҳиндистоннинг таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари қатнашдилар.

Уларнинг нутқларида Иккинчи Жаҳон урушида агрессорлар устидан қозонилган тарихий Ғалабага ҳал қилувчи ҳисса қўшган Совет Иттифоқи инсоният цивилизацияси тинч тараққий этмоғи учун мустаҳкам замин яратганлиги таъкидланди. Митинг қатнашчилари советлар мамлакати янги жаҳон уруши хавфини тугатиш борасида кўрсатаётган куч-ғайратлар туфайли планета халқлари қирқ йилдан бери тинчликда яшамоқда, деб таъкидладилар.

***

САН-ФРАНЦИСКО. Лос-Анжелесда яна бир нохуш «рекорд» қўйилди. Катталиги жиҳатидан АҚШда иккинчи ўринда турадиган мана шу шаҳарда икки кун ичидагина 18 киши ҳалок бўлди ва еттн киши оғир яраланди.

Улар полиция билан талончилар ўртасидаги отишмалар, гангстер тўдалар ўртасидаги кўча жанглари, оилавий фожиалар қурбони бўлдилар. Маъмурларнинг жиноий сиёсати сабабли кўпинча шундай воқеалар юз бермоқда. Маъмурлар қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган нуфузли кампанияларнинг манфаатини кўзлаб, ўқ узадиган қуроллар савдосига қаршилик қилмаётирлар.

Яқинда жамоатчилик фикри сўраб чиқилганида Лос-Анжелес аҳолисидан ҳар икки кишидан бири уйдан чиқишга кўрқиши маълум бўлди.

***

БУХАРЕСТ. Дунай бўйидаги Зимнийча шаҳрида яқинда ишга тушган трубопрокат заводининг ёш коллективи босим билан юбориладиган буғ ва газ трубалари ишлаб чиқара бошлади. Замонавий совет машина-ускуналари билан жиҳозланган бу заводнинг маҳсулоти Польша халқ хўжалигига юборилади.

«СССРда ясалган» маркаси қўйилган ёҳуд совет ҳужжатлари асосида яратилган агрегатлар ҳозир республикада ишлаб чиқарилаётган бутун трубаларнинг ярмидан кўпроғи тайёрланишини таъминламоқда.

***

МАПУТУ. Мозамбик халқ республикасининг президенти С. Машель Совет Иттифоқининг ёрдами билан пойтахт яқинидаги Матоле шаҳарчасида барпо этилган ҳунар-техника билим юртининг фаолиятига юксак баҳо берди. У билим юртининг ўқувчиларн ва муаллимлари ҳузурида нутқ сўзлаб миллий экономиканн юксалтириш, саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш, халқ ғалабаларини ҳимоя этиш учун малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Билим юрти очилганидан бери ўтган олти йил ичида токарлар, слесарлар, фрезерчилар, пайвандловчилар, электриклар, бошқа касбларлардаги ишчилардан иборат 500 нафардан кўп мутахассис тайёрлаб чиқарди. Бу кишилар давлат саноат корхоналарида муваффақият билан меҳнат қилмоқдалар ёки ўқишни давом эттирмоқдалар. Шу жумладан, совет олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олмоқдалар.

Матоледаги билим юрти батамом совет станокларн ва ускуналари билан таъминланган. Билим юртининг муаллимлари орасида 14 совет ва 58 мозамбик ишлаб чиқариш таълимни мастери бўлиб, уларнинг кўпчилигини СССРдан келган мураббийлар тайёрлаган. Корхоналар билим юртини битириб чиқувчиларни талаб қилиб турганлиги, мутахассислар юксак савияда тайёрланганликлари учун ташаккурномалар Матоледаги ҳунар-техника билим юртининг обрўси ошиб бораётганлигини кўрсатади.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ. Йэльс университетининг кутубхонасидаги эски қўлёзмалар орасидан XVIII асрда яратилган бир қатор музика асарлари топилди. Уларнинг кўпчилиги буюк немис композиторн Иоганн-Себастьян Бахга тааллуқли эканлигини мутахассислар аниқлашди. Йирик музика мутахассислари ҳисобланган Гарольд Сэмьюл ва Кристоф Вулфлар қўлёзмаларни синчиклаб ўрганишар экан, бу асарлар буюк немис композиторининг дастлабки ижодий даврида яратилганлигини айтиб беришди. Кутубхонада топилган қадимги музика асарларн немис санъаткори И. Риихк коллекциясида сақланиб, у 1852 йилда Америка музикачиси Лоуэлл Мэйсон томонидан сотиб олинган ҳолда кейинчалик, аниқроғи 1873 йилда Йэльс университетига топширилган эди.

СУРАТДА: музика мутахассиси Гарольд Сэмьюл топилмаларни кўздан кечирмоқда.



ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

ВАЛЛЕТА. Ғзира шаҳрида (Мальта) «Орфей» кинотеатрида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган совет фотокўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу кўргазма Мальта ёш мутахассислар уюшмаси, лейбористлар партиясининг ёшлар ташкилоти ёрдамида ташкил этилди. Кўргазмани очиш маросимида Мальта ташқи ишлар министри А. Шеберас Тригона, лейбористлар партиясининг, мамлакат жамоатчилигининг, совет элчихонасининг вакиллари иштирок этдилар.

А. Шеберас Тригона экспозицияни оча туриб гитлерчилар фашизмини тор-мор қилишда Совет Иттифоқининг ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини таъкидлади.

Кинотеатрда Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган «Прохоровка» остонасидаги жанг майдони», «Ғалабадан кейинги баҳор», «Учинчи Украина», «Солдат уйга қайтди», «Зарур деган сўзнинг маъноси» совет ҳужжатли фильмлари намойиш қилина бошлади.

СОВЕТ АРТИСТЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

АККРА, Африка мамлакатлари бўйлаб гастрол сафарини ўтказаётган совет артистларини Гана тамошабинлари қизғин қаршиладилар. Гастрол—совет халқи Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллигига ҳамда ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтадиган XII жаҳон фестивалига бағишланди.

РСФСР халқ артисти Александра Стрельченко билан Юрий Антонов ижросидаги рус халқ ва совет қўшиқлари ғаналикларга айниқса манзур бўлди. Иллюзионистлар, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Мари АССР халқ артисти Юрий Мозжухин билан Мари АССР халқ артисти Литфия Мозжухиналарнинг зўр маҳорати ва ўткир техникаси томошабинларни лол қолдирди. Умуммоссия ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари ёш артистлардан ўзбекистонлик Насриддин Шерматов, Шимолий Осетиядан Земфира Калоева билан Константин Азбоев чиқишларини давомли қарсаклар билан тақдирладилар.

МАРКА ЮБИЛЕЙИ

Тарихчиларнинг таъкидлашича, биринчи марта Кубада алоқа маркалари 1855 йилда муомалага чиқарилган экан. Бу ўша пайтдаги оролнинг испанларик ҳўжайинларн томонидан алоқа хизмати йўлга қўйилгач, амалга оширилган. Шундай қилиб, яна бир неча кундан сўнг Куба маркаси ўзининг 130 йиллигини нишонлайди. Бу санага атаб Озодлик оролида янги маркалар сериясн муомалага чиқарилди. Улар бир вақтлар испаниялик босқинчилар томонидан аёвсиз қирнб юборилган Кубанинг маҳаллий аҳолисига бағишланган.

ЎТМИШГА САЁҲАТ

Мисрда мамлакат тарихини ўқиш қулувчи йирик музей ташкил қилишга қарор қилинди. Бунинг учун мутахассислар Мисрнинг бой ўтмишини ўқиш қулувчи 10 мингдан кўпроқ экспонат тайёрлашлари керак. Музейнинг айрим павильонларида кўҳна, ўрта ва янги ҳукмдорлик даврларига оид материаллар қўйиладн. Аллақачон залда эса ҳозирги давр ютуқлари ўқиш қилинади. Музейдаги экспонатларнинг асосий қисмини кейинги йилларда мамлакат территориясида топилган археологик қазилмалар ташкил қиладн.

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ УЧУН

Венесуэлада саводсизликни тугатиш бўйича умуммиллий кампания ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Мамлакатнинг 150 та шаҳрида ўқиш ва ёзишни ўргатувчи курслар иш бошлаган. Ҳўш, бундай шошилинч чоралар кўрилишига сабаб нима? Гап шундаки, ҳозирги кунда Венесуэлада бир миллиондан ортиқ катта ёшдаги аҳоли умуман саводсиздир. 1987 йилгача ҳукумат мақсадларн 600 минг венесуэлаликнинг саводини чиқаришни мўлжаллаяпти.

• *Фан ва техника изланишлари, кашфиётлари*

ИССИҚ УЙ

Латвия қурилиш илмий-тадқиқот институтида «тўқилган» гиламнинг гули кўп эмас. Чунки у квартирани безамайди. У бино панель ва шиплардаги бетон қаватлар орасига қўйиб юборилади.

Мамлакатда уй-жой қуриш суръатлари ўсиб бормоқда, шу билан бирга уйларни иситишда ёқилғи ва энергия ресурсларини тежаш проблемаси тобора қатгиқроқ қўйилмоқда, дейди институт директорининг ўринбосари Х. Циммерманис. — Олимларнинг рецептига мувофиқ ясалган девор «наматн» ҳатто бетондан ҳам ташқарига чиқиб кетадиган иссиқликни пухта асрайди. Уни робот станок ясаб чиқаради.

Перконсит деган ном олган бу янгилик ташқи деворнинг ҳар квадрат метрида 5 килограммгача ёқилғини тежайди. У намлик ўтказмайди, иситгич сифатида ишлатувчи полистрол ва пенопластдан бир неча баравар арзон.

Ўтган қаттиқ қишда Даугавпилс ва Елгава шаҳарларининг аҳолиси робот станок «тўқиган» ғалати наматлар иссиқликни нақадар асрашига қаноат ҳосил қила олдилар. Рига уйсозлик комбинати перконсит қатламн қўйилган панелларни ишлаб чиқара бошлайди.

САЛМОҚЛИ МАДАД

Бетмеин бинокорлик материаллари комбинатининг механизаторлари аргиллит чангидан фойдалана бошладилар. Бу ерда ундан енгил бетон ғовак тўлдиргичи моддаси ҳосил қилинмоқда.

Бунинг учун майдалаш-ҳиллаш фабрикасида аргиллит нобуд бўлишининг олди олинди: қум ва хом ашё майда заррачалари чиқариб уйилмайдиган бўлди.

Қўшимча маҳсулот салмоқли бўлди. Комбинатда кондицион хом ашёдан ҳар йили 250 минг куб метрдан кўп енгил шағал ҳосил қилинган бўлса, чиқитдан қўшимча 30 минг куб метр қимматли бинокорлик материали олинмоқда.

(ТАСС мухбири).

БУТУН ПАХТА БУНКЕРГА

Бу терим аппарати биринчи қарашда аввалгисидан салгина бошқача бўлиб кўринади. Унда ҳам икки жуфт шпиндель барабанлари бор, лекин иккинчисида шпиндель тишлари биринчисига қараганда бир-биридан камроқ, торроқ оралиқда жойлашган. Биринчи жуфт барабан жамики очилган чаноқларнинг пахтасини илаштириб кетса, иккинчиси чаноқдаги қолдиқни олади. Бундай агрегатдан ўтганидан сўнг қоладиган пахта жуда оз бўлади. Уни Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари ишлаб чиқдилар. Янгилик кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

6 МАЙ. 1985 й.

Адабиёт ва санъат

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Муҳаббатнинг қувончлари

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН



—1—

Ҳассасига таяниб ҳарсиллаб кепаётган бу ногирон бундан қирқ тўрт йил муқаддам айни қирчиллама йигитлик чоғида фронтга жўнагани, Сталинграддан то Познань шаҳригача ўт-олов қуюнлари ичида жанговар йўл босиб ўтганидан хабардор эдим. Махсум Хўжаев ана шу узундан-узоқ машаққатли йўлда елкасида «Максим» пулемётини кўтариб кўплаб қирқояларни босиб ўтган, дарёлар кечган, қорларга, балчиқларга ботиб, душман билан юзма-юз жанг қилган, бир неча марта шундоқ ажал жари ёқасидан қайтганлардан. Мен, бир қаламкаш сифатида бу ажойиб инсоннинг фронт саргузашти билан батафсил танишиш учун унинг хонадонига келгандим. Телефонда гаплашиб олган эдик, тайёрланиб турган экан. Столда суҳбатимиз учун зарур ҳужжатларни йиғиб қўйибди. Олдида маршал Жуковнинг машҳур «Эсдаликлари».

Биринчи саволимга жавобан олдимга китобни суриб қўйди-да «405-бетини очиб чизиб қўйилган жойни ўқинг» деди. Ўқидим. «13, 14, 15 сентябрь Сталинградчилар учун ниҳоятда оғир кунлар эди. Душман ҳеч нимага қарамай, шаҳар вайроналаридан ўтиб тобора

—2—

Волгага яқинлашмоқда. Солдатларимиз ҳолдан толаётгандай туюларди бизга. Бироқ душман олға қанчалик ҳамла қилмасин 62 ва 64-армияларимизнинг шавкатли жангчилари душман солдатларини тиккасига ўққа тутиб, қирғинга солаверишди. Шаҳар вайроналари метин қалъаларга айланган эди...»

— Биз худди ана шу 62-армия, 74-дивизиянинг 240-полки таркибида Сталинград трактор заводини ҳимоя қилаётганлар сафида эдик. Пулемётчилар позицияси жойлашган йиғув цехи устига тушган ва тушаётган бомбалар, снарядларнинг ҳисобига етиб бўлмасди. Томи, деворларида соғ

—3—

жойи йўқ, ҳаммаёғи дабдала. Узунлиги юз метрдан зиёд, эни 30-40 метр улкан бостирма синиқ ғишт-бетон, тупроқ уюмларига тўлиб ётарди,—ҳикоя қилди Махсум Матмусаевич Хўжаев.— Сентябрнинг ўртасига келиб рота солдатларидан бори-йўғи ўн бир киши қолдик. Душманнинг кечаюкундуз бетиним ҳамлаларини қайтариш жангларида кўп қуролдошларимиз ҳалок бўлди. Енгилроқ ярадорлар санчастга боришдан воз кечиб жанг қилишарди. Олдинга ҳам, орқага ҳам силжиш мумкин эмас. Орқада, Волга. «Бир қадам орқага чекинилмасин!» деган буйруқ берилган эди. Ўқ-дoридан ҳеч камчи-

—4—

лик сезганимиз йўқ. Волганинг нариги қирғоғидан тунлари яшик-яшик ўқ ва гранаталар келиб турибди. Бироқ одам кам. Фашист эса ҳар гал эллик-олтмишта бўлиб ҳамла қилади бизга.

Шу ҳолда икки ой позициямизга душман шўртумшуғини суқолмади. Икки ўртадаги майдон ўликка тўлди. Булар орасида бизникилар ҳам бор эди. Баъзан майдонга отилиб чиқиб, ғанимларни тиккасига ўққа тутиш зарур бўлиб қоларди. Баъзан ажал ёқамиздан тутиб қоларди. Бироқ бирор жангчининг жиндек ваҳимага тушганини, қолиганини сезмагандим, ўшанда. Асаблар

—5—

таранг, ортиқча гапга ҳеч кимнинг тоби йўқ Фақат шиддатли олишув дақиқаларида «ололмайсан заводни, итваччалар, ҳа, ололмайсан!» деган бўғиқ овоз эшитилиб турарди...

Махсум ака бир неча дақиқа жимиб ўйга ботди. Кўзларидан ўша дамлардаги ноxуш ҳолатларни эсга олаётганини сезиб турардим. Ҳа, лаънати уруш бу арслондек йигитнинг забардаст қаддини букиб, қалбида битиб кетмайдиган жароҳат қолдирганини тез-тез оғир ўйга ботиб кетишидан, ҳаяжонла тўлқинланиб, бўғилиб-бўғилиб гапираётганидан фаҳмлаб турибман.

— Ўшанда — ҳолинг бир соатдан кейин нима кечишини билолмай ўтирган дақиқаларда тез-тез ўша улуғ дарё орқасидаги элюртинг, онланг, фарзандларинг ҳаёлингдан ўтаркан... Биз эндигина дурустроқ турмуш қура бошлаган эдик-да.

Эрининг сўнгги сўзлари таъсир этди, шекилли, Муҳаббат опа гап қўшди:

— Бу ерда биз шўрликларнинг бошига тушган оғир мусибатларни айтмайсизми! Қаҳатчилик тинкамизни қуритиб юбораётибди, кўзимиз почтальоннинг йўлида, қулоқларимиз радио карнайларида. Ўшанда икки ой ўтибди-ки, Махсум акамдан дарак йўқ. Кечалари турли ноxуш ўйлар ҳаёлимни олиб кетади. Тонг ёришмасдан Аъложонни бағримга босаман-да ишга югураман. Бутун дарду-аламимни ишдан оламан. Баъзан ишда тун бўйи қолиб кетамиз. Одам етишмасди. Дугоналаримиздан бирортаси ху-

—6—

нук хат олгудек бўлса бутун дунё бизга зимистон бўларди-қоларди. Бир парча хат ёзиб юбориш шунчалик қийинмикин-а деб қойинаман-да, ўпкам тўлиб йиғлайман...

Махсум ака ўша кунлари хат ёзиш уёқда турсин, қуролдан бўлак бирор нимани қўлга олиш имкониятидан маҳрум эди-да, дейман ичимда. Ўзининг айтишига қараганда, сентябрнинг охирги кунлари душман тинмай ердан, осмондан ҳамла қилавериб солдатларимизнинг тинкасини қуритиб юбораётган эди. Бу Паулюс каллакесарларининг сўнгги, ўлим талвасасидаги ҳамласи экан. Йиғув цехида охирги ҳаёт-мамот жангини соғ қолган икки киши Махсум Хўжаев билан Саша Яковлев олиб бораётган эди. Азим шаҳарнинг бу икки жасур ҳимоячиси дарёдан янги қисмлар ўтиб етиб келгунча трактор заводининг ана шу йиғув корпусига бирорта фашистнинг муртад қадамини бостирмади...

Шундан кейин сталинградчиларимизнинг машҳур қарши ҳужуми бошланди-ю, Махсумнинг бўлинмаси душман солдатларини заводдан қува кетди. Бир неча кунги жанглардан сўнг икки дўст гитлерчи қўшинларини тормор этиш ва қуршаб олиб, қирғинга солишда қатнашди...

— Мен ўша кунлари, — деди Муҳаббат опа, —кетма-кет икки хат олдим. Биринчиси Махсум акамнинг хати. Мана у. Хатда ҳар галгидек «кўпдан-кўп саломлар»дан сўнг қуйидагилар ёзилган эди:

Тўлқин РУСТАМОВ.

(Давоми бор).

● Тўлқин Рустамов — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, «Ленинград», «Вошга кулфат тушганда», «Қуёш ўлкаси», «Мангу жасорат» қисса, ҳикоя ва очерклар тўпламларининг муаллифи, «Кўқон воқеаси», «Рихард Зорге», «Киши қони сув эмас», «Граф Монте Кристо», «Тақдир» романларининг таржимони.

● МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЖАСОРАТ ОБИДАЛАРИ СЎЗЛАЙДИ

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси жамияти Совет халқлари Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан илмий-амалий конференция ўтказди. Бу анжуман «Улуғ Ватан уруши ёдгорликларидан меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашда фойдаланиш» мавзусига бағишланди.

Конференцияда Ўзбекистоннинг кўзга кўринган олимлари, илмий ходимлар, ҳайкалтарошлар, архитекторлар турли мавзуларда докладлар қилдилар. Улар ўз докладларида Улуғ Ватан урушида қатнашган довюрак фарзандларимизнинг жасоратига бағишланган ёдгорликларнинг яратилиши, меҳнаткашларни партия ва халқнинг меҳнат анъанаси руҳида тарбиялаш, мактабларда Ўзбекистон тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш ҳақида атрофлича гапирдилар.

●

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари бўлган таниқли композиторлар билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ушбу учрашувда Ўзбекистон ССР халқ артисти Ш. Рамазонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Изомов, санъатшунослик кандидати В. Зудовлар қатнашдилар. Институт студентлари, уруш ва меҳнат ветеран педагоглари таниқли композитор ва ижрочиларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Совет халқи учун оғир синов даври бўлган уруш йилларида бутун ижодий меҳнатини Ватан ҳимоясидек муқаддас ишга бағишлаган Ўзбекистон композиторлари ҳақидаги доцент А. Жабборовнинг мароқли ҳикоясини йиғилганлар катта қизиқиш ва миннатдорлик билан тингладилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Ройтблат раҳбарлигидаги Тошкент шаҳар маданият бошқармаси духовой оркестри ижро этган Г. Қодировнинг «Юбилей марши», оркестр солисти Н. Шабалина ижро этган «Ғалаба куни» каби жанговар қўшиқлар учрашув қатнашчиларига байрам кайфиятини бахш этди.

П. ФЕЛЬДМАН.

●

ИЛМИЙ-МЕТОДИК КОНФЕРЕНЦИЯ

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Республика илмий-методик конференцияси бўлди.

Конференцияда таниқли олим ва мутахассисларнинг халқ чолғуларида чалишни ўргатиш методикасини такомиллаштириш муаммоларига оид илмий-назарий докладлар тингланди. Мазкур илмий-методик анжуман бир неча таниқли халқ чолғулари оркестрлари ҳамда Халқаро Бутуниттифоқ ва республика конкурслари лауреат созандаларнинг концерти билан якунланди.

М. НЕЪМАТОВА.

● Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

ЖАНГЧИ АДИБ ХОТИРАСИ

Аҳмад Бобожон она диёримизнинг ажойиб куйчиси, Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчиси эди. Фашистлар Германияси Ватанимизга қўққисдан хиёнаткорона ҳужум бошлаганида хавфли душманнинг қонли йўлини тўсиш учун отланган дастлабки Ватан ботирларининг олдинги сафларида турганлардан бири шу ҳамюртимиз, ҳамкасб дўстимиз Аҳмад Бобожон бўлган.

У фронтнинг оғир жойларида бўлди. У офицер, алоқачилар бўлинмасининг командири эди. Украина ва Польша ерларини гитлерчи босқинчилардан озод қилишда унинг бўлинмаси жангларда намуна кўрсатди, жасоратли командир ҳамма вақт олдинда бўлиб, ўз жангчиларини командирларнинг жанговар топшириқларини бажаришга олиб борди. Ўша вақтда фронт газетасининг ҳарбий мухбири бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Зиннат Фатхуллин редакция топшириғи билан Аҳмад Бобожон бўлинмасига боради. У бўлинмага етиб бориши билан у ерда қаттиқ жанг бошланганлигини, бир неча соат давом этган шиддатли тўқнашувда Аҳмад Бобожон бўлинмаси ғолиб чиққанлигини ва бу жангда намуна кўрсатганлиги учун ҳамюрт командир-ёзувчимиз ва унинг бир неча жангчилари орден ва медаллар билан мукофотланганлигини ҳикоя қилиб берган эди.

Аҳмад Бобожон урушни ғалаба билан тамомлаб, она диёримизга қайтиб келди. Тошкентда истиқомат қилиб, ижодий иш билан шуғулланди, жамоат ишларида актив қатнашди. Унинг ёзган пьесалари пойтахт ва область театрлари саҳналарида қўйилди. Ажойиб дилрабо қўшиқларини ҳофизлар зўр иштиёқ билан ижро этиб келдилар. Оғир касаллик бу баҳодир, улкан талант соҳиби бўлган полкдош дўстимизни орамиздан олиб кетди. Лекин унинг ёрқин хотираси уни яхши билган ва асарларини эъзозлаб, севиб ўқиб келаётган дўстлари, бахтиёр халқимиз қалбида абадий қолган. Буюк Ғалабанинг 40 йиллик тантанали айёми яқинлашиб келаётган шу кунларда биз фронтчи дўстларимизнинг ёрқин хотирасини ёдга олиб, сен биз билан доимо биргасан, ажойиб ижодинг, қўшиқларинг билан халқимизга хизмат қилмоқдасан, деймиз.

НАЗАРМАТ.

Аҳмад БОБОЖОН

Менинг муродим

Евларнинг устига жадалла юрдим
Яшнаб-яшарсин деб, Ватан,
тупроғинг,

Куч бердинг, жангларда зафарлар
кучдим,

Берлининг бошига тикдим
байроғинг.

Окопда қадрдон меҳмоним
эдинг,
Евнинг ўқларидан қалқоним
эдинг,

Йироқ йўлларимда бўлиб
ҳамроҳим,

Ғалабамдан порлоқ нишоним
эдинг.
Кўкда парвоз этсам қанотим
бўлдинг,

Зимистон тунларда нажотим
бўлдинг.
Қийноқлар ичида ярамга малҳам,
Ўлимлар олдида ҳаётим бўлдинг.
Қалбим ишқинг билан тўлиб
келдим мен.
Ев кўксига олов солиб келдим мен.
Озодлик гувоҳи, зафар нишони,
Муқаддас бир мандат олиб
келдим мен.
Бошла Ватан! Янги юришга бошла!
Янги чаманзорлар қуришга бошла!
Синашиб кўрайин дарёлар билан,
Амуни йўлидан буришга бошла!
Ғарбга юрганимда эй она-Ватан
Фикру ёдим эди сенинг висолинг.
Мусаффо дилимда асл муродим,
Сенинг тинчлигингу, сенинг
камолинг.

1942.

Сени дедим

Сени дедим, жангга кирганда
Ўлим недир ўйламадим ҳам
Сени дедим зарба урганда
Найзам тўкди ёв дилига ғам.
Бахтиёрлик, ҳурлик, шодликлар
Қучоғингда бўлди саранжом
Вақти келди тўкилди қоним,
Кўп шимирдим ҳаёт берар жом.
Ғолиб замбараклар тиндилар,
Оромгоҳда энди пулемёт.
Пўлат қушлар қайтиб қўндилар,
Сўнди окопларда ёнган ўт.
Сени дедим, жангга кирганда,
Ўлим недур ўйламадим ҳам.

Ватан дедим зарба урганда
Найзам тўкди ёв дилига ғам.

1943.

Ўзбекистон гуллари

Бахш этар жонимга роҳат—
Бу гулистон гуллари.
Етказар дилга фароғат —
Сада райҳон гуллари,
Уйнашиб ел бирла йўллар
атрин ҳарён гуллари,
Товланиб ҳар бир чаманда—
Юз хил алвон гуллари,
Қулф уриб, яшнаб очилган —
Ўзбекистон гуллари.
Бунда поёнсиз чаманга —
мангу меҳмондир баҳор,
Гулга тўлган боғлар —
кенг қир мислсиз лолазор,
Ҳар чаманда бахтиёр ёшлик —
Жаранглар, ёр-ёр,
Бахш этар жонимга роҳат
ҳар гулистон гуллари,
Барқ уриб, яшнаб очилган —
Ўзбекистон гуллари.
Бу гўзаллик, мисли гулдек —
Яшнаган дамлар билан,
Юртини гулзор этувчи —
Ишда илдамлар билан,

Ҳар бири юз гулдан афзал —
бахтли одамлар билан.

Очилур гулшанда кун-кундан —
фаровон гуллари.

Тўрт фасл ҳам яшнаган —
Ҳур Ўзбекистон гуллари.
Барқ уриб ҳар бир чаманда
сада райҳон яшнасин,
Барча гуллар сараси —
Раънойи жонон яшнасин,
Ҳар қадамда, лола гуллар —
Юз хил алвон яшнасин,
Товланиб ҳар бир чаманда
Шонли даврон гуллари,
Доимо яшнаб очилсин
Ўзбекистон гуллари.

1945.

УМРИ БОҚИЙ ҚАРДОШЛИК

Адабий дўстлик сарчашмалари

Уруш йиллари Ўзбекистонда А. Толстой, Н. Погодин, А. Ахматова, К. Чуковский, Якуб Колас, И. Уткин, В. Луговской сингари таниқли совет шоирлари, ёзувчи ва драматурглари ижод қилдилар. Е. Э. Бертельс. Б. В. Шишмарёв, В. М. Жирмунский, Е. Э. Якубовский, Д. Д. Благой, Л. И. Климович, Б. С. Мейлах, И. И. Зелинский ва бошқалардан иборат атоқли олимлар уруш йиллари Ўзбекистондаги адабий жараёнда фаол иштирок этдилар.

Уларнинг Тошкентда яшаб ижод қилиши Ўрта Осиё Давлат университетида филология факультети ва кўп ўтмай шарқшунослик факультетининг очилишига кучли туртки бўлди. Бу олимлар республикамизда малакали адабиётшунос ва танқидчиларни тарбиялаш ишига, адабий жараён ва сўз санъаткорлари ижодини ўрганишга, Иттифоқ миқёсида уларни кенг оммалаштиришга катта ҳисса қўшдилар, ўзбек ҳамкасблари билан бирга муҳим ишларни амалга оширдилар. Социалистик системадагина рўй бериши мумкин бўлган бу адабий-маданий ҳамкорлик натижаларини Н. Пиксанов «Катта тарихий-маданий аҳамиятга эга» бўлган ҳодиса сифатида баҳолаганда ниҳоятда ҳақ эди.

Энг асосийси, бу даврда республикамиздаги рус, қардош халқлар ва Ўзбекистон адиблари, мунаққидларининг ҳамкорлиги ўзбек бадиий адабиёти, таржима санъати ва танқидчилигининг шу давр ва сўнгги босқичлар тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Архив материаллари уруш даври Ўзбекистон Ёзувчилар союзи катта ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, яна улкан режалар билан ҳам яшаганидан шаҳодат беради.

Масалан, 1942 йилнинг 29 апрелида Ўзбекистон Ёзувчилар союзида театр ва адабий танқидчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтади. Мажлис ярим йил ичида қуйидаги тадқиқотлар амалга оширилиши мўлжаллангани ҳақида маълумот беради: а/Ибн Сино, Навоий, Бобур, Машраб ҳақида монографиялар; б/Ҳамза ҳақида биографик очерк; в/Фурқат ҳақида тарихий-биографик очерк; г/ўзбек — рус адабий алоқалари ҳақида очерк.

Тўғри, ўша даврнинг оғир шароитлари бу режаларнинг тўлиқ амалга ошувига имкон бермади. Давр адабиётшунослик характеридаги бундай фундаментал тадқиқотлардан кўра, кўпроқ шу куннинг ҳаракатдаги ҳаётига таъсир кўрсатажак замонавий адабий жараён билан шуғулланишни талаб қиларди. Иттифоқ ва республика миқёсидаги матбуот саҳифаларида эълон қилинган К. Зелинский, Л. Бать, Ж. Живов, А. Дейч, К. Чуковский ва бошқаларнинг мақолалари бунга мисол бўла олади. Булардан ташқари, Зулфиянинг тўпламига Луговской, Шайхзоданинг тўпламига Эфрос, Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон»ига К. Зелинский, «Она замин ҳақида шеърлар» («Стихи о любимой земле») тўпламига Н. Тихонов, Ғ. Ғуломнинг «Шарқдан бораётирман» «Иду с Востока») тўпламига К. Зелинский ёзган сўзбошилар, биринчидан, Иттифоқ ўқувчиси назарига бу ижодкорлар бўй-бастини ростмана кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Иккинчидан, адабий танқид ҳам худди бадиий адабиёт сингари бу иши билан ўзининг интернационал моҳиятини намойиш қилди. Учинчидан ўзбек шеърияти умумсовет адабиётида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай бошлаши, ҳамда кўпмиллатли совет адабиётининг илғор оқимларидан бирига айланганини кўрсатишда жиддий аҳамият касб этди.

Рус адиблари, танқидчилари ўзбек қаламкаш дўстларининг айрим вакилларини совет адабиётининг илғор вакиллари билан бир сафга қўя бошладилар. Масалан, И. Уткин шундай деб ёзади: **«Садоқат мавзуи К. Симонов, А. Сурков, Е. Долматовский сингари ёзувчилар ижодида муваффақият билан тасвирланмоқда. Миллий ўз-ўзини англамоқ масаласи Л. Первомайский ижодида ижобий ҳал этилмоқда. Тишларини палидона ғижирлатиб турган фашизм қаршисидаги миллий қон-қардошлик мавзуи ўзбек шоири Ғафур Ғулом томонидан юксак савияда акс эттирилмоқда».**

Шуниси эътиборлики, атоқли рус адиблари ва танқидчилари Ғ. Ғулом асарларидаги мавзугагина эмас, асосан маҳоратга жиддий эътибор бера бошладилар. Бу эътибор, ўз навбатида, танқидчиликни шоир маҳорати сирларини ўрганишга даъват этди.

Шу тариқа уруш даври танқидчилиги Ғ. Ғулом ижодий маҳоратининг сирларидан бири — унинг асарларида халқлар дўстлиги ва интернационализм ғояси халқчил, миллий, ўзбекона шаклда ифодаланишидадир, деган хулоса чиқарди. Шундай фикрни айтганлардан бири К. Чуковский бўлди...

— Ғафур Ғулом интернационализми шунинг учун ҳам таъсирчан ва қудратлики, шунинг учун ҳам ўзига хос ва бетакрорки, — дейди у, — чунки бу интернационализм ифодаланаётган шакл халқчилдир, **қолаверса, миллий ва ўзбеконадир.**

1943 йилнинг декабрида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати кунлари ўтиши муносабати билан улкан рус адиблари ўзбек халқининг ўтмиши ва бугуни, маданияти ва санъати, тарихи ва адабиёти ҳақида чуқур интернационал пафос билан йўғрилган фикрларни айтдилар. Масалан, И. Эренбург шундай деган эди: **«Бу халқнинг санъати юксакдир. Бу санъат кечагина вужудга келган эмас. Ўзларнинг ўйлаб кўринглар, ахир! Немис (фашист) ёввойилар: ўзбеклар кўчманчи халқ бўлиб, бу халқни герман маданияти билан суғориш керак, деб гапиряптилар-а! Гитлернинг қадимги замон боболари ҳайвон терисига бурканиб, ўрмонда дайдиб юрган вақтларда ўзбеклар ғазаллар яратар ва шафтоли етиштирар эдилар».**

Бу фикрларни бир ёқлама тушуниш ва талқин этиш хато бўлур эди, албатта. Бу фикрлар замирида ўзбек халқи ўтмишини кўкларга кўтариш ва бошқа бир халқ тарихини ерга уриш эмас, балки кўпмиллатли Советлар Иттифоқидаги халқлар дўстлигига, уларнинг монолит бирлигига раҳна солишга интилаётган фашизм сиёсатини кескин фош этиш, СССРдаги айрим миллатларни камситишга қаратилган Гитлер идеологиясига зарба бериш зикр этилган.

Чиндан ҳам Ғ. Ғуломнинг «Мен Яҳудий», «Сен етим эмассан» ва бошқа шеърлари фақат шоир ижоди ёки ўзбек адабиётигина эмас, умумсовет адабиётининг уруш даврида яратилган энг яхши асарларидан бўлиб қолди ва миллионлаб совет кишилари қалбида ифтихор туйғуларини уйғотишди, ғалабага ишончни мустаҳкамлашди, фашизмнинг шаксиз яксон бўлишига комил ишонч билан қарашда ва уни тезлатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, бу шеърлар XX аср жаҳон шеъриятининг мумтоз намуналари қаторидан жой олди.

Хусусан, Жирмунскийни Ҳ. Олимжон ижодидаги романтика товланишлари ўзига жалб қилади. **«Романтизм Ҳамид Олимжон поэзияси учун чуқур ва бокира шеърий илҳом булоғи бўлади»**, деб ёзган эди В. Жирмунский. Ҳ. Олимжон шеъриятидаги романтик тенденцияга асос бўлган сабабни ҳам белгилашга интилади. — Ўхшаши йўқ она Ватан, она халқ ва унинг тенгсиз табиатига бўлган чексиз муҳаббат шоир романтикасини озиқлантирган асосий омиллардир, — дейди у.

Рус танқидчилиги ўзбек адабиётининг, хусусан, шеъриятининг, Улуғ Ватан уруши даврида том маънодаги камолот босқичига кўтарилиб етганини эътироф этди. А. Фадеев ва И. Эренбург ҳам Н. Тихонов ва И. Уткин ҳам, К. Зелинский ва В. Луговской ҳам, Л. Бать ва А. Эфрос ҳам шу фикрни илгари сурдилар.

В. Луговской Зулфиянинг «Верность» тўпламига ёзган сўзбошисида шоиранинг бу даврга келиб аниқ шакл ола бошлаган ва сўнгги босқичларда янада чуқурлашажак ўзига хос услубини белгилаб берган эди. **«Уни Фарҳод дер эдилар» асари Зулфия ижодида муҳим ўрин эгаллади ва шоиранинг воқеликни ҳис этиши, дунёқарашини белгилашда жиддий аҳамият касб этади. Шоиранинг қайси бир шеърида замин, муҳаббат, уруш ҳақида гапирилмасин, доимо некбинлик ва ҳаёт боқийлигини тасдиқловчи оҳанг баралла жаранглашини кўрамиз. У уруш даҳшати, андуҳи ва фожиасини хас-пўшлаб, камайтириб эмас, қандай бўлса, шундайлигича — ҳаққоний тасвирлайди. Зулфия ғалабанинг кўклам сингари, баайни кўклам сингари албатта келажагига комил ишонч билан боқади,** деб ёзади В. Луговской.

Айтиш мумкинки, ўзбек ва рус адабиёти намояндаларининг ижодий ҳамкорлиги Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг янги-янги қирралари билан намоён бўлди, адабиётларимиз ва халқларимиз дўстлиги тарихида муҳим из қолдирди. Ана шу оғир, унутилмас йилларда тобланган, эндиликда жуда катта самаралар бераётган адабий дўстлик сарчашмалари фахр-ифтихор, эзгу-эҳтиром билан тилга олинади.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, филология фанлари доктори.

Рассомлар туҳфаси

БУЮК САНАГА БАҒИШЛАНАДИ



Республика рассомлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб сиёсий плакатларнинг янги туркумини яратишди. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Ф. Кагаровнинг «Мен тинчлик тарафдори», «Йўқолсин уруш!», Петр Ковалевнинг «Тинчлик посбонлари», Михаил Громиконинг «Қаҳрамонларга мангу шон-шараф бўлсин», Рамзи Алиевнинг «Яшасин бунёдкорлик» ишлари шу туркумнинг асосий қисмини ташкил этади.

СУРАТЛАРДА: Р. Алиевнинг «Яшасин бунёдкорлик!» ва М. Громиконинг «Қаҳрамонларга мангу шон-шараф бўлсин» плакатлари.

О. Апухтин фотолари.



ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА



Тошкентда Матбуот кунининг байрам қилиниши



[Давоми. Бошн 1-бетда].

1941—1944 йилларда Узбекистонда умумий тиражи 3012 минг нусхада 584 номда адабий-бадиий китоблар босиб чиқарилди. Бу китоблар ҳар бир кишининг она-Ватан олдидаги гражданлик бурчларини онгли равишда чуқур тушуниб етишида, совет ватанпарварлигни ҳиссини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Душман устидан албатта ғалаба қозонишажаги тўғрисида ишонч туйғусини уйғотди.

Уруш йилларида ўқув адабиётларини тайёрлаш ва уларни ўз вақтида нашр этиш масаласи ўткир масала бўлиб қолди. 1941 — 1944 йиллар мобайнида чиқарилган 256 номдаги дарсликнинг каттагина қисми Маноп Абдуллаев қўлидан ўтди.

У ҳар куни ўзининг севимли иш жойига—«Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳарф териш цехига фахр-ифтихор билан кириб борарди.

Матбуот байрамидаги сайёҳатимизни яна давом эттирамиз. Москвада бўладиган жаҳон XII ёшлар ва студентлар фестивалига бағишланган ярмаркадамиз. Унинг ташкилотчилари — «Ленин учқуни» ва «Пионер Востока» газета редакцияларининг ёш мухбирлари. Бу ерда болалар тайёрлаган буюмлар байрам эгаларига ғоятда манзур бўлмоқда. Шунинг учун ҳам журналистика ветеранлари ва матбуотнинг ёш вакиллари болалар идрок билан тайёрлаган буюмларга яхшн баҳо бермоқдалар. Сотилган буюмлардан тўпланган пуллар фестиваль фондига топширилади.

... Учрашувлар, танишувлар давом этмоқда. Бу байрамларга хос гўзал манзарадир. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи Б. Е. Тихомолов жанг хотираларн ҳақида ҳикоя қилиб беряпти. Унинг жасорати бутун мамлакатга машҳур. У учувчилик қилган самолётлар 1942 йилда Берлин шаҳрини бомбардимон қилган эди.

«Спортчилар беллашишмоқда». Халқаро гроссмейстер Г. Аъзамов билан шахмат тахтасида дона сурншнинг ўзи бўлмади.

Журналистларнинг болалари ҳам беллашишмоқда —асфальтга расм чизиш, велосипед пойгаси конкурслари ўтказилаяпти.

Дам олиш зонасида музнка, қўшиқлар янграмоқда, китоб савдоси авжида, радио ва телевиденне репортерлари тинним билмайди, улар байрам гўзаллигини пленкаларга тушириб олишмоқда.

Байрам авжида. Бу гўзал шодиёна бизнинг турмушимизга, завқли дам олишимизга ажойиб анъана сифатида кириб келди. Бу байрам 63-марта нишонланмоқда. Демак, биз матбуот вакилларининг авлодлар билан алоқамиз ҳамиша ибратлидир. Чунки биз ёшларга революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини сингдириб боряпмиз.

Бундан буён ҳам янгича урф-одатлар ва маросимларни совет кишилари турмушига сингдириб бораверамиз.

Репортажни «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарининг мухбирлари **А. ПУЛАТОВ** ва **Э. АДАЙКИНА** тайёрладилар.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 6. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 Футбол шарҳи.
10.20 «Оққўнгил». Бадиий фильм.
11.40 «Саёҳатчилар клуби».
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улар Ғалаба қуролини созлашган».** Илмий-оммабоп фильм премьераси.
16.15 «Шодлик — бу қўшиқ». МТ ва БР болалар Катта хори иштирокида фильм-концерт премьераси.
17.10 «Онамларнинг мактаби».
17.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.10 Нахичеван АССР «Шарур» халқ коллективининг чиқиши.
18.45 «Ишлар ва одамлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 Футбол шарҳи.
20.10 «Фан ва техника». Киножурнал.
20.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Номаълум солдат».** Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 **«Номаълум солдат»** телевизион бадиий фильмининг 2-серияси.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 Куба куйлари ва оҳанглари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Лисенко ва бошқалар». Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. В. И. Ленин революцион фаолиятининг бошланиши.
10.05 «Рус тили».
11.05 «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 2-кўрсатув.
11.35, 12.40 Тарих. 6-синф. Уйғониш даври олимлари.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 А. П. Чехов. «Олчазор».
13.40 Табиатшунослик. 2-синф. Кўкламда колхозда.
14.00 **Тарих саҳифалари. Эльбадаги қасамёд** (Совет ва Америка қўшинлари Эльбадаги учрашувининг 40 йиллигига).
14.30 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин уруш, армия ва тинчлик ҳақида.
15.05 «П. И. Чайковский».
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Советский воин» киножурнали.
19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳалқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Спартак».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Аввало театр». Телефильм.
11.20 «Дарахт қўшиғи». Телефильм.
11.30 Табиатшунослик. Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш.
11.50 «Рококо». Музикали фильм.
12.20 «Чимбулоқ». Телефильм.
12.30 География. Узбекистоннинг қишлоқ хўжалиги.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Янги мультфильмлар программаси.
18.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Мардлик мадҳияси».**
19.10 «Чорвачилик: тажриба ва муаммолар».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** Адабий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** К. Листов. «Севастополь вальси». Тошкент оперетта театри спектаклининг премьераси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Генерал Раҳимов».** Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Дилижон». Телефильм.
18.40 Врач маслаҳати.
18.55 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 Болалар учун фильм. «Кўз ойнак тақкан бола».
21.00 «Қизиқувчилар экрани». Илмий-оммабоп программа.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 7. V

РАДИО КУНИ, АЛОҚА БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 **«Номаълум солдат».** Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серилар.
11.55 «Горнчилар, қаердасиз!»
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озодлик қўшин нур тарат-моқда». Куба киносанъати институтн ва «Совинфильм» иштирокида ЦСДФ тайёрлаган ҳужжатли фильм.
16.20 Иркутск ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, БАМ қурувчилар бригадасининг бошлиғи А. В. Бондарь билан учрашуви.
17.10 «БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!» ГДР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
18.35 «Қувноқ нотачалар».
18.45 Радио кунига. «Фан ва турмуш». Кўрсатувда СССР Алоқа министри В. А. Шамшин ва СССР Алоқа министрининг ўринбосари Ю. Б. Зубарев иштирок этади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ветеранлар қалбан қариймайдилар», Улуғ Ватан уруши ветеранларининг Москва эркаклар хори куйлайди.
20.20 **«Номаълум солдат».** Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида Радио кунига бағишланган концерт. Концерт тугагач— «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. Қадимий Римда.
10.05, 13.30 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 2-кўрсатув.
11.35, 12.40 Ботаника. 5-синф. Гуллар ва мевалар.
11.55 Аҳолига ёнғиндан эҳтиёт чоралари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
12.10 «Шахмат мактаби».
13.00 География. Узоқ Шарқ табиати.
14.00 Уруш йиллари шеърлари ва қўшиқлари.
14.45 Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги.
15.15 **«Ғалабага фақат чин дилдан ишонинг».** Улуғ Ватан уруши йилларида совет адабиётн.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Давр ва ўзим ҳақимда». А. Сурков ижодига бағишланган телефильм.
19.50 «Тасвирий санъат». Шарҳ.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ёз қўшиқлари». Болалар учун фильм-концерт.
10.50 «Болдино жозибаси». Телефильм.
11.30 Математика. Такрорлаш машқлари.
12.00 «Баҳор келганда». Музикали фильм.
12.30 Адабиёт. Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак.
13.00 Янгиликлар.

* * *

17.45 Янгиликлар.
18.00 «Пионерлар мамлакатида».
18.30 «Бугун — Радио куни».
19.00 **«Ғалабанинг 40 йиллиги» республика бадиий кўргазмаси** (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ҳ. Олимжон. «Роксананинг кўз ёшлари».**
20.10 «Пилла — бойлигимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 Радио кунига бағишланган концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқлар ҳукми».**
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Болалар учун фильм. «Енисей»нинг ёш денгизчилари».
18.35 «Журналистчасига ростгўйлик билан». Телефильм.
19.00 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёшлик» студняси кўрсатади. «Солдат қалби». Адабий композиция.**
21.00 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Фронт ортида ҳам Ғалаба учун курашилди» [рус.].**
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 8. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 **«Номаълум солдат».** Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.50 **«Эртага тонгда Ғалаба байрами».** Уруш ветеранлари Совет комитетида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилинишига тайёргарлик ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
11.30 Янгиликлар.

* * *

13.55 **Информацион кўрсатув.**
14.35 **Улуғ Ватан урушн йилларн қўшиқлари.**
15.10 А. Твардовский. «Василий Тёркин». РСФСР халқ артисти О. Табаков ўқийди. Фильм-концерт.
17.25 А. Бородин. 2-«Қаҳрамонлик» симфонияси.
17.55 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҚЎШИНЛАРИ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
23.20 «Муздаги жилолар». Моҳир фигурачиларнинг чиқишлари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Қасамга содиқмиз». Телефильм.
9.35 Тарих. Улуғ Ватан урушининг ёш қаҳрамонлари.
10.05 «Онамларнинг мактаби».
10.35 Бутунжаҳон Қизил Крест куниги. «Шафқат, фидокорлик, инсонпарварлик».
11.25 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?»
11.55 «Генерал Шубников корпуси». Бадиий фильм, субтитр билан.
13.20 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
13.55 **Информацион кўрсатув.**
14.50 «Сатрларда инсон қалби...». Совет шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция.
15.45 Янгиликлар.

* * *

17.55 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
23.20 «Фақат учиш эмас...». Телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Хизматимиз оддий». Телефильм.
11.10 «Ансамбль» операцияси». Музикали фильм.
11.40 «Ота-оналар ва болалар». Бадиий фильм.
12.55 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, Ғалаба!»**
13.55 **Москва. Информацион кўрсатув.**

* * *

17.10 Кўрсатувлар программаси.
17.15 «Хотира». Ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»).
17.25 «Ахборот» (рус., ўзб.).
17.55 МОСКВА. УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Время».
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Спорт даврнмиз». Телефильм.
18.30 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқнинг буюк жасорати».**
19.00 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жасурона ва ростгўйлик билан». Кинопрограмма.**
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 9. V

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА БАЙРАМИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 **«Халос бўлган дунё унутмайди».** Ҳужжатли фильм премьераси.
10.20 «Фронтда янграган қўшиқлар». Давлат академик рус хори куйлайди.
11.00 Тинчлик велопойгаси. ЧССР-дан олиб кўрсатилади.
11.20 **«Ветеранлар, Сизлар учун».** Музикали кўрсатув.
12.05 **«Ушбу Ғалаба кунида».** Совет шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция.
12.30 СССР Мудофаа министрлигининг биринчи алоҳида намунали духовой оркестри ижросида рус ва совет композиторларининг тантанали маршлари.
12.50 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ. Парад тугагач (14.15)— «Бахтли болалик». Пионерларнинг байрам концерти.
14.45 «Альфа-альфа». Телефильм.
15.00 «Иван Никулин — рус матроси». Бадиий фильм.
16.30 «И. Шамо қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси.
16.50 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган киноконцерт.**
17.45 **Информацион кўрсатув.**
17.55 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
18.20 Халқ куйлари янграйди.
18.50 **«Ёдингдамн, ўрток». Улуғ Ватан урушн ветеранларининг учрашуви ҳақида репортаж.**
19.50 **«ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ».** Бир минутлик сукунат.
20.15 «Сўнгги ҳужум». Бадиий фильм. «Халоскорлик» киноэпопеясидан.
21.30 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 **«Кремль юлдузлари».** Байрам музикали кўрсатуви.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Концерт. Программада: А. Скрябин. 3-соната, А. Караманов. «Ғалаба» поэмаси.
10.20 «Александр Невский». Бадиий фильм.
12.05 В. Овчинников чалади.
12.20 «Унутмаганлар ҳақида». Телефильм.
12.50 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ. Парад тугагач — «Бахтли болалик». Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 **«Санъат усталари — жангчилар ва ветеранларга».** Байрам концерти.
16.30 Мультфильмлар.
17.00 «Биз бу заминни Ватан деб атаймиз».
17.45 «Мен — Хортица». Бадиий фильм.
18.55 «Махфий буюртма». Ҳужжатли фильм.
19.20 Д. Шостакович. 8-квартет.
19.50 «ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ». Бир минутлик сукунат.
20.10 Москва шаҳар «Прожектор» Маданият саройининг оркестри чалади.
20.30 «Тунингиз, хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 **«Ғалаба байроғи ҳақида ҳикоя».** Илмий-оммабоп фильм.
20.55 «Молодость» куйлайди ва рақсга тушади».
21.30 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Старшина». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Зимородок». Бадиий фильм.
11.50 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Биз порлоқ кун келишига ишонардик». Ўзбек шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция [рус.].**
12.20 «Саҳоватли қалб». Ҳужжатли фильм премьераси(«Узбектелефильм»).
12.50 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ.

* * *

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати — «Бахтли болалик» болалар рақс ансамбли ҳамда Навоий шаҳар снёсий қўшиқлар вокал ансамбли иштирокида концерт.
19.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондони, генерал-полковник Н. И. Попов сўзи.**
19.20 **«Тошкентда, Ғалаба кунида».** Кинофильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 МОСКВА. «ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ». Бир минутлик сукунат.
20.10 «Ахборот».
20.30 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».**
21.30 Москва. УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ҲАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 **«Ғалабамиз баҳорн». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган байрам кўрсатуви.**
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18. 25 «Нотаниш қўшиқ». Телефильм.
18.55 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия (рус.).
19.55 «Жангларда тобланган қўшиқ». Музикали фильм.
21.00 «Мангу олов». Телефильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 10. V

● МТ I

9.00 Янгиликлар.
9.20 «Расмларда қуёш акси бор».
9.35 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
10.00 «Будильник».
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.30 «Тонгги почта».
12.00 «Ҳаётга йўлланма». Союзлар уйининг Колонна залида ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган учрашуви.
13.00 «Қишлоқ янгиликлари».
14.00 **«Америкалик ветеранлар қаҳрамон шаҳарларда».**
14.15 «Музикали киоск».
14.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
16.30 Халқ куйлари.
16.45 **«Қуролдош брододарлар».** Телефильм премьераси.
17.05 «Саёҳатчилар клуби».
18.05 Мультфильмлар: «Пўлат ҳалқа», «Солдат ва боғ».
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Александр Покришкин». Телефильм премьераси.
20.15 ЧЕХОСЛОВАКИЯ ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЧССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 Тинчлик велопойгаси. Крилатское велотрассасидан олиб кўрсатилади.
22.25 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. К. Симонов.**
22.55 Давлат академик Большой театрининг духовой оркестри чалади.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 Ритмик гимнастика.
9.45 «Вахта давом этади». Телефильм.
10.15 Ленинград телевидениеси ва радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
10.40 «Сиз яратган боғ».
11.10 Арманистон ССР халқ артисти, Арманистон Давлат мукофотининг лауреати Л. Закарян куйлайди.
11.45 «Мамлакатнинг бадиий музейлари». Палех санъати.
12.20 «Қўшиқ инсон билан қолади».
13.15 **«Ғалаба дастхатлари».** Берлин штурми қатнашчилари ҳақида телефильм.
14.05 Болалар учун фильм. «Ёвойи Гаврила».
15.15 «Сатрларда ҳаёт». Телефильм премьераси.
15.45 «Шундай кун келади». Бадиий фильм. 1-ва 2-серилар.
18.00 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
18.45 «Бўйсунмасларнинг набиралари». Ҳужжатли фильм.
18.55 **«Тинчликнинг биринчи куни».** Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ровесник» киножурнали.
21.00 Дзюдо кураши бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Кўришгунча, оғайни». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
22.25 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/4 финал. «Шахтёр» — «Днепр».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Қалб оҳанглари». Фильм-концерт.
11.25 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бадиий ҳарбий спорт байрами. Тошкент ипподромидан олиб кўрсатилади.**
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.00 **«Ёшлик» студняси кўрсатади. «Жангчи шонр Илёс Муслимм».**
13.30 Болалар учун фильм. «Нозик-ниҳол малика».
14.55 **«Довюраклар Ватанга қалқон бўлишди»** (рус.).

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.25 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Илҳом»да учрашув».
19.00 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ота-оналар университети».**
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Устахонада». Манзарали фильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ғ. Ғулом. «Вақт». Шеърий композиция.
21.10 «Тагиль гулдастаси». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган концерт.** В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Болалик завқ-шавқи». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Шундай аёллар бор» (рус.).
19.05 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Брест қалъаси болалари». Телефильм.
21.30 МТ II

ШАНБА, 11. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Лось боласи». Мультфильм.
10.20 **«Тинчликнинг биринчи куни».** Бадиий фильм.
11.50 «Бир дуэт тарихи». Телефильм.
12.10 «Херлуф Бидструп Москвада».
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Красний Октябрь»даги учрашувлар». Телефильм премьераси.
15.55 «Лэутар оҳанглари».
16.25 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
17.10 «Қўшиқ инсон билан қолади».
18.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.30 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 **«Чин қалбдан». Белгород тупроғида жанг қилган Улуғ Ватан урушн ветеранлари билан учрашув.**
21.30 «Время».
22.00 Классик куйлардан концерт.
22.45 Футбол шарҳи.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Кенже — боғлар макони». Телефильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Усимликларнинг хилма-хиллиги.
9.55 «Хлорелла дўстларини излайди». Илмий-оммабоп фильм (Тошкент).
10.15, 14.05 Испан тили.
11.05 Эстетик тарбия. Дам олиш маданияти.
11.35, 12.40 Зоология. 7-синф. Ҳайвонларнинг аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.
12.00 «Онла ва мактаб». Тележурнал.
12.30 «Инсон ахборотлар оқимида». Илмий-оммабоп фильм.
13.05 Музика. 4-синф. И. Стравинский. «Петрушка».
13.35 Физика. 6-синф. Энергия ва иш.
14.35 Улуғ Ватан урушн даври адабиёти. 10-синф.
15.05 БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Қизил Байроқли Урта Осиё ҳарбий округи штабининг духовой оркестри чалади.
19.00 Дзюдо кураши бўйича Европа чемпионатн. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
19.30 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг концерти. Танаффус пайтида (20.20) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.00 «Тўйдан олдин Йилъа саёҳат». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Севан ҳақида ривоят». Телефильм.
11.10 «Вадик Репин». Ҳужжатли фильм.
11.30 Рус адабиёти. Н. В. Гоголь. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).
12.00 «Баҳорги паркда». Музикали телефильм.
12.30 География. Ер шарининг географик қобиғи.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Фильм-концерт.
18.35 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.).
19.05 «Қўшиқ сени излаб топадн». Музикали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.20 «Поезд Шарққа томон боради». Бадиий фильм (рус).
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● **ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

ЯКШАНБА, 12. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Иркутск ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, БАМ қурувчилар бригадасининг бошлиғи А. В. Бондарь билан учрашуви.
10.25 «Спортлото»нинг 19-тиражи.
10.35 «Тўйдан олдин Йилъа саёҳат». Телевизион бадиий фильм.
12.00 «Биз Волгада яшаймиз». Концерт.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар.
16.05 Куба артистларининг чиқиши.
16.35 «Солдат лампаси». Мультфильм премьераси.
16.45 «Рус тили».
17.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Финляндиядан олиб кўрсатилади.
18.45 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Янгра, қўшиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Совет Армняси. Темир армия маршда». Ҳужжатли фильм.
19.50 Р. Шчедриннинг «Букри тойчоқ» балети. СССР халқ артистлари К. Станиславский ва В. Немирович-Данченко номли Москва академик музикали театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳаётим сенинг қўлингда». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Кашф этилмаган ороллар».
11.30 Физика. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш.
12.00 «Миллион ҳам бошланди». Телефильм.
12.30 Химия. Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг УзССР ФА мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор А. Қосимов билан учрашуви.
19.00 «Баҳор ҳангомалари». Музикали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Пахта» комплекс программаси».
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Куйнинг мафтункор қудрати». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Байрам кунида». Бадиий фильм.
23.30 Янгиликлар.

● **ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

6 МАЙ. 1985 й. 4-бет. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р —05805. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.